



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**

20 21 yil « 29 » noyabr

№ 716

Toshkent sh.

**Ёшларни “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқитиш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Бугунги кунда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 1,3 млн. нафардан кўп ёшлар тизимда иштирокчи сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 330 минг нафардан ортиғи битирувчи сертификатини олган. Шу билан бирга, республикадаги жами ўн мингдан ортиқ мактабларнинг 2029 тасида замонавий компьютер синфлари йўқлиги сабабли “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этмаган.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёшларга компьютер дастурлаш соҳасида таълим олишда кенг имкониятлар яратиш ҳамда умумтаълим мактабларини замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Қуйидагилар:**

Умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналарини замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар билан таъминлашга қўйилган минимал меъёрлар ва техник талаблар 1-иловага мувофиқ;

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этмаган умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналарини замонавий компьютер техникалари ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлашнинг асосий кўрсаткичлари 2-иловага;

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этмаган умумтаълим мактабларни замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш юзасидан манзилли рўйхат 3-иловага мувофиқ;

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этмаган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур қарорга мувофиқ тасдиқланаётган минимал меъёрлар ва техник талаблар, асосий кўрсаткичлар ва манзилли рўйхатнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

2. Умумтаълим мактабларининг компьютер сиф хоналарини замонавий компьютер техникалари ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш учун куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан жами 100 миллиард сўм миқдорда маблағни, шундан, 50 миллиард сўмни 2022 йил 1 январга қадар ва қолган 50 миллиард сўмни 2022 йил 1 мартга қадар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет ҳисобидан жами 101 миллиард сўм миқдорда маблағни, шундан, 50 миллиард сўмни 2022 йил 1 январга қадар ва қолган 51 миллиард сўмни 2022 йил 1 мартга қадар ажратилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги умумтаълим мактаблари учун ўқувчиларнинг маънавияти ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган контентга эга бўлган таълим ресурсларига юқори тезликда ва чекловларсиз кириш имконини берадиган Интернет жаҳон ахборот тармоғи хизматлари бўйича тариф режаларини жорий этсин ҳамда тариф нархларини икки ой муддатда Монополияга қарши курашиш кўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган минимал меъёрлар ва техник талаблар асосида замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситаларни харид қилиш ишларини якунласин;

умумтаълим мактаблари учун белгиланган тезликда тасдиқланган тариф нархларда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш хизматларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан (июнь-август ойларини ҳам инобатга олган ҳолда) молиялаштириб бorsин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги:

2021/2022 ўқув йили давомида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича умумтаълим мактаблари информатика фани ўқитувчиларининг малакасини оширсин, шу жумладан улар учун онлайн ўқув курслар ташкил этсин;

2023 йил 1 январга қадар умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқитиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар умумтаълим мактабларини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ахборот-кутубхона фондига уланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021–2022 йилларда Ёшлар марказлари, “Ишга марҳамат” моно-марказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари ва бошқа таълим ташиқлотларида қўшимча 100 минг нафардан кам бўлмаган ёшларни “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 5–7-иловаларга мувофиқ ўқитишни ташкил қилсин.**

7. Умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналарига замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситаларни Халқ таълими вазирлиги тавсия этган техник топшириқлар асосида харид қилиш ва етказиб бериш бўйича **буюртмачи этиб:**

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан – Халқ таълими вазирлиги;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари харидларни давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ қолиб деб топилган ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кафолати тақдим этилган ҳолларда, махсулотни етказиб бериш учун тузиладиган шартномаларнинг умумий қийматидан **50 фоиз миқдоридан аванс тўлов сифатида олдиндан тўланишига розилик берилсин.**

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги **2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 июлга қадар** Молия вазирлигига умумтаълим мактабларида маънан эскирган компьютер техникаси тўғрисида маълумотларни тақдим этиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **2022 йилдан бошлаб ҳар йили** Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида умумтаълим мактабларни замонавий компьютер синф тўпламлари билан таъминлаш бўйича молиялаштириш манбаларини аниқласин ва уларнинг харид қилинишини ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш чоратадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 июндаги 350-сон қарорига мувофиқ давлат муассасаси сифатида қайта ташкил этилган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “**Ўқув таълим-таъминот**” давлат муассасасининг фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари жорий йилда Халқ таълим вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади ҳамда келгуси йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг **Давлат бюджети** параметрларида назарда тутилади;

“Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси Халқ таълими вазирлигининг бюртмасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваридан юқори бўлган (товарларнинг қиймати бир шартнома бўйича) товар ва хизматлар харидини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади ва уларнинг ҳудудий филиалларида сақланишини таъминлайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 25 декабрга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг 2022 йил учун вақтинчалик штатлар жадвали ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқласин;

2022 йил 1 июлга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси ва унинг ҳудудий филиаллари фаолияти ҳамда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Б.О. Саидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг 2021- йил  
29-ноябрдаги 715- сон қарорига  
1- илова

Умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналарини замонавий компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар таъминлашга қуйилган минимал меъёрлар ва техник талаблар

| №                      | Жихоз номи                                     | Ул.<br>Бир. | Сони     | Техник талаб  |
|------------------------|--|-------------|----------|---|
| <b>Бир жамланмаси</b>  |  |             |          |   |
| 1                      | Компьютер                                      | туплам      | 2        | 8 ядер процессор 3600 МГц.2 та слот. DDR4./ HDD-1TB/ SSD-256 MB / Монитор24 LED(1920*1080) /калонка Клавиатура ва мышуа (USB)/сетовой филтер-3м / Windows10 / Антивирус             |
| 2                      | Компьютер                                      | туплам      | 30       | 6 ядерли процессор.2900 МГц.2 та слот. DDR4. / HDD-500 ГБ / Монитор 24 LED (1920*1080)/ Клавиатура ва мышуа (USB)/ наушник с микрофоном/ сетовой филтер-3м / Windows10 / Антивирус. |
| 3                      | Многофункциональное устройство (мфу) (принтер) | дона        | 2        | Принтер/ сканер/ нусха кучириш. Ок-кора/ лазерли/ А4/38в./ мин  |
| 4                      | Свитч  | дона        | 2        | 24 талик свитч (коммутатор). Gigabitinternet  |
| 5                      | Стабилизатор                                   | дона        | 2        | 10000Va.220+- 3%  |
| <b>Жамламалар сони</b> |  |             | <b>2</b> |   |